

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 15 октябрь • сешанба № 39 (879)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдида

Қанчалик мукаммал, аниқ ва лўнда бўлса

ҳаётга татбиқ этиш шунчалик осон кечади

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Анвар УСМОНОВ билан суҳбат

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари таъкидлаганидек, истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизда Конституциямизда белгилаб берилган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ҳамда уларни амалга асас қилиш ҳаётида татбиқ этишнинг муҳим асосидир. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Анвар УСМОНОВ билан суҳбатини ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган асосларнинг амалдаги ифодаси, шу асосда яратилган ва яратилаётган қонун ҳужжатларининг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида бўлди.

— АВВАЛО, таъкидлаш жоизки, дунё харитасида Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, яъни мамлакатимиз давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ўз-ўзидан бўлмаган. Бу улкан тарихий воқеанинг замирида халқимизнинг асрий орзу-умидлари, хоҳиш-иродаси, Президентимиз Ислам Каримовнинг мислииз жасорати, ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарорлар муҳим омил бўлганини бугун халқро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этган ҳақиқатдир, — дейди А.Усмонов. — Эришилган бу тарихий ғалабани, яъни мустақиллиқни сақлаб қолиш ва изчиллик билан мустақамлаш, миллий давлатчиликнинг янгида шакллантириш янада мураккаброқ кечгани сир эмас. Боиси, собиқ тўзундан бизга таназулга юз тутган иқтисодий мерос қолган, аксарият одамларнинг эртанги кунга ишончи йўқолган эди.

Ана шундай мураккаб шартларда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган омилларга йўл очувчи қонуний асослар яратилиши жуда муҳим ва долзарб эди. Президентимиз раҳбарлигида турли соҳа олим ва мутахассисларининг сайй-ҳаракати, изланишлари, хорижий тажрибани чуқур таҳлил этиш асосида ҳар томонлама пухта, илҳам, халқро андازларга қўйилган жавоб берадиган Конституциямиз яратилди.

Мазкур Асосий қонун улкан тарихий аҳамиятга эга ноёб ҳужжат бўлиб, унда суверен давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим асослари, инсон ҳуқуқлари, демократия ва иқтисодий адолатга сadoqat, фуқаролар тинчлигини ҳамда миллатларaro тoтyвликни таъминлашга oид таъминотлар мустаҳкам ўрин олган. Энг муҳими, унинг қондилари мамлакатимизда босқичма-босқич

қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам, суверен давлатимизнинг қонунчилиги — ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти томонидан Конституция нормаларига мувофиқ 15 та кодекс, олти юздан зиёд қонун қабул қилинди. Икки юздан ортиқ қўп томонлама халқро шартнома ратификация қилинди ва шу тариқа Асосий қонунимизни амалга оширишнинг ахлит ҳуқуқий механизми яратилди.

Бу жараёнда мамлакатимизда қонун ижодкорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сифати ва самардорлигига пухта замин бўлаётган. Зеро, қонунлар қанчалик мукаммал, аниқ ва лўнда бўлса, уларни ҳаётга татбиқ этиш шунчалик осон кечади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёни ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, зарур ҳуқуқий база шакллантирилган. "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги, "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги каби қонунлар ишлаб чиқилаётган ҳар бир қонуннинг мамлакатимиз ривожига хизмат қилишини таъминлашда муҳим омил бўлаётган.

Айни пайтда бу соҳада қонунчиликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга, социал-иқтисодий, иқтисодий-сиёсий ислохотлар эътиёжларига мос бўлишини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Бунда 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун муҳим дастуриламал бўлапти.

Ана шундай янги ҳар тиб-таомиллар асосида яратилаётган қонун лойиҳалари ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик ва бошқа турдаги экспертизалардан тўлиқ ўтказилмоқда.



21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинган кун

Она тилим

Қошғарини тил иқлимин,
Ҳоқони қилиб,
Туркий ҳикмат бўстони
Яшнатган тилим.
Навоийни ғазал мулкин
Султони қилиб,
Шеърининг осмони
Чақнатган тилим.

Номинг онамга эш,
Эзиз
Онам ўзингсан,
Илк азон,
Исми бўлган сўз —
Қалом ўзингсан.

Мен оламни кўздан кўра,
Сўзда бут кўрдим,
Менинг учун беҳад — тенгсиз
Олам ўзингсан!

Найза бўлиб ёллар кўксин
Тешган иш ҳам сен,
Элар шайдо бўлган Барчин,
Алтомин ҳам сен.
Одам илк бор яралиб,
Жон
Танга кирмагач,
Жонни танга киритган илк
Сўз — хонин ҳам сен.

Аллаларинг оҳанги бор
Қай бир оҳанда,
Яллаларинг жараңи бор
Қай бир жараңда?
Мен камалак ёки атлас
Жилосин кўргум
Она тилим, сендаги ҳар
Сўздаги рангда.

Бир сўзга ўнлаб синоним
Қайси тилда бор,
"Ифрат", "ҳаё",
"Жоним", "имоним"
Қайси тилда бор?
Темур бобом амри билан

Ярим дунёни
Ишғол этган сўз аркомин,
Кам бўлма зинҳор!

Давлат тили бўлганлигинг
Давлат эмасми,
Кемтик эдинг, тўлганлигинг
Савлат эмасми?
Ҳатто буюк юртлар сени
Қилгай тароҳима,
Оламни ром қилганлигинг
Рағбат эмасми?!

Забон бўлиб яралганинг
Ўзи бир олам,
Наволарга уралганинг

Ўзи бир олам.
Нечун жўшиб айтмай ахир
Жўшқин мадҳиям
Дунё бўйлаб таралганинг
Ўзи бир олам!

Бек, амиру, хонлар тили —
Шоҳона тилим,
Муниса жононлар тили —
Жонона тилим.
Сенда сўйлаб,
Сенда қўйлаб,
Сен-ла фаҳр этгум
Кони илм,
Жону дилм,
Жон она тилим!

Зиёвуддин МАНСУР,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, шоир

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

Ишчи гуруҳи йиғилишида

муҳим масалалар муҳокама этилди

ҲУҚУҚНИ муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Адлия вазирини, Идоралараро ишчи гуруҳи раҳбари Н.Йўлдошев бошқарди.

МАЖЛИСДА қайд этилганидек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик халқро шартномалар талабларига тўла мос ва мутаносиб равишда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон БМТга аъзо мамлакатлар қаторида инсон ҳуқуқлари соҳасида ратификация қилинган халқро шартномаларнинг ихроси бўйича ўз даврий маърузаларини мунтазам тақдим этиб келмоқда. Бугунги кунга қадар мамлакатимиз томонидан БМТнинг шартномаларини органларига 30 га яқин даврий маъруза тақдим этилган бўлса, уларни қўриб чиқиш натижаси бўйича берилган тавсияларнинг ихросига қаратилган 10 та Миллий ҳаракат режаси тасдиқланди ва ихроси таъминланди.

Жорий йилда ҳам БМТнинг шартномавий органлари томонидан Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида амалга оширган ишлари атрофлича муҳокама этилиб, халқро экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Сўзга чиққанлар мазкур тадбирларда иштирок этаётган Ўзбекистон делегацияси аъзолари томонидан бу борадаги ишлари халқро ташкилотлар ва экспертлар эътиборига тўлиқ етказилиши, орттирилган тажрибанинг самарадорлигини кўрсатишда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кўнатириш лозимлигини таъкидладилар.

Идоралараро ишчи гуруҳининг ҳар бир аъзосига халқро майдонда ўтказилаётган тадбирлар учун ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотларни тайёрлашда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 24-сессиясида Ўзбекистон делегациясининг иштироки, БМТ Бола ҳуқуқлари Қўмитасининг тавсияларини бажаришга қаратилган Миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистоннинг навбатдаги халқро анжуманлардаги иштирокига доир бир қатор масалалар муҳокама этилди ҳамда Идоралараро ишчи гуруҳининг тегишли қарори қабул қилинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Ўқув-машғулот

Меҳр-оқибат

миллий ва ўмуминсоний қадрият

— ИНСОН ҳаётида ўзгаларга меҳр кўрсатиб, қўнғилларини шод қилганидан ҳолатлар жуда кўп. Қарияларнинг қалтироқ қўнғилларини тўтиш, уларга меҳр-муруват кўрсатиш, етим-есир, бева-бечора ва муҳтожларга ҳайру эҳсон бериш, ногиронларга ёрдам қўлини чўзиш, қўн-қўшни ва қариндош-уруғларга муруватли бўлиш ҳам ўзаро меҳр-оқибатнинг юксаклигини далолатидир. Агар буларни унутсан инсонийлик бурчимизни йўқотган бўламиз, умуман, бошқалар ҳақида қайғуриш, ўзгалар ташвишидан таъсирланиш, таниш ва нотаниш одамлар учун жон куйдириш, қариб қўнғилларга шодонлик ботилаш, бир сўз билан айтганда, меҳр-оқибатли бўлиш савоб ишдир, — дейди Адлия вазирлигида мунтазам ўтказиб келинган ўқув-машғулотнинг навбатдаги меҳмони Шайх Абдулазиз Мансур.

Шунингдек, тадбирда бугунги кунда одамларнинг бир-бирига муносабатлари, оилавий тотувлик, қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат машғулот меҳмони томонидан атрофлича таҳлил қилинди.

Тадбир сўнггида ўқув-машғулот меҳмони мамлакатимизда кенг нишонланган Қўрбон ҳайити билан барчани табриклаб, юртимиз ва оилаларимизга тинчлик-тотувлик, дастурхонларимизга қўт-баракат, бир-биримизга бўлган ўзаро меҳр-оқибат бардавом бўлишини тилади.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Қулайлик

"Ҳуқуқий маслаҳат қўнғилари"

"Ҳуқуқий маслаҳат ишонч

телефонлари" хизматга шай

МАЪЛУМКИ, Вазирлар Маҳкамасининг ёшлар масалаларига бағишланган мажлисининг 57-сонли баёни билан тасдиқланган Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури ва унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан Ихро механизмининг 3-бандига мувофиқ адлия органларида "Ҳуқуқий маслаҳат қўнғилари" ташкил этилиб, "Ҳуқуқий маслаҳат ишонч телефонлари" хизмати йўлга қўйилган.

ШУНГА ҚўРА, жорий йилнинг 1 сентябрдан 30 сентябрга қадар "Ишонч телефони"га 5 нафар, "Ҳуқуқий маслаҳат қўнғилари"да 4 нафар ёшларнинг мурожаатлари қабул қилиниб, уларга ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Масалан, 7 сентябрь кўни Чилонзор тумани, Завқий кўчаси, 39-уйда яшовчи Б.Шокиров "Ишонч телефони"га мурожаат қилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини ва бир қатор лойиҳалари мавжудлигини, ёш тадбиркорлар учун ташкил этилаётган тадбирларда қатнашиши ва унда тенгдошларига берилаётган имтиёзлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориши мумкинлигини ва бу борада амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Мурожаат бўйича ўқувчи тахсил олаётган Тошкент юридик коллежига тадбирларда иштирок этишида амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан тегишли топшириқ берилди.

Шунингдек, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги коллеж битирувчиси О.Эргашевнинг ДТ "Халқ банки" Косон филиали томонидан унга чорва учун кредит ажратилмаётганидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганилиб, жорий йилнинг 23 сентябрыда О.Эргашевга 6 миллион сўм кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Бундан ташқари, Ихро механизмининг 42-бандига мувофиқ ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган "Ёшлар ва қонун" тарғибот лойиҳаси тадбирлар режаси тасдиқланиб, бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври давомида мустақиллигимизнинг асоси ва амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш бўйича 1 765 та ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилиб, уларнинг 348 таси оилавий ахборот воситалари орқали, 1 226 таси оғзаки, 40 таси ёзма ва 151 таси кўргазмалли шаклда амалга оширилди.

Адлия, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Sen Yolg'iz Emassan" болалар жағмармаси, "Қамолот" ЕИХ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қўлаб давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида эса жорий йил 1 июнь кўни пойтахтимиздаги Гафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Эртагиз бугундан бошланади" — "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ конвенциясининг Ўзбекистондаги аҳамияти" мавзусида кўргазмалли байрам тадбири ўтказилиб, китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Унда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, маҳалаларда истикомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирок этиб, спорт ҳамда ижодийнинг қўлаб турлари бўйича, шунингдек, ҳуқуқий мавзудаги викторина ўйинларида қатнашдилар.

Наргиза АКБАЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Қанчалик мукаммал, аниқ ва лўнда бўлса

ҳаётга татбиқ этиш шунчалик осон кечади

(Давоми.
Боши биринчи бетда)


Жумладан, ҳуқуқий экспертиза жараёнида тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг Конституциямиз нормаларига мувофиқлиги текширилади. Зеро, Асосий қонунимизда бирор қандай ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қонунларга зид қилинган бўлганда, унинг қўлланилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шу маънода номи қайд этилган қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини янада ошириш билан бирга ижросини самарали таъминлашга ҳизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, вазирлигимиз томонидан кейинги уч йилда жамият ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган мингта яқин қонун ва қонун ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Бу жараёнда аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилишига эришилди.

— **Адлия ҳодимлари иштирокида тайёрланган ҳужжатларнинг экспертизадан ўтказилаётган қонун лойиҳалари кўпроқ қайси соҳаларга тааллуқли?**

— Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан мустақамланган таъминотлардан бири — ҳусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлигидир. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 53-моддасида қайд этилганидек, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини ҳилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Ушбу конституциявий норма асосида аввал ҳам кўплаб қонунлар ишлаб чиқилган бўлса, кейинги йилларда юртимизда тадбиркорлик жадал ривожлангани ва фаолият қўлаи кенгайиб бораётгани тўғрисида ушбу соҳага бўлган эътибор янада кучайди. Ўз навбатида, соҳанинг ҳуқуқий асослари янада тақомиллаштирилмоқда. 2012 йилда "Ҳусусий мулкнинг ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги, янги тахрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари



тўғрисида"ги ва "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонун ҳужжатларининг тайёрланиши ва тақомиллаштирилиши, қабул қилинишида адлия ҳодимлари бевосита иштирок этди. Бошқача айтганда, адлия идоралари томонидан 2010-2013 йиллар давомида демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган олтидан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, жумладан, ўттизга яқин қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ушбу концепцияда тадбиркорлик фаолияти ҳимояси, ҳусусий мулк муҳофазасига оид янги қонунлар қабул қилишга оид кўплаб вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасида биринчи марта тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи белгиланди. Ушбу нормага мувофиқ, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатларда қозага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркор-

лик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.

Маъмур қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, бозор муносабатлари тизимида рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатини янада мустақамлаш имконини беради. Айни пайтда чет эл инвестицияларини жалб этиш, тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига доир рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш орқали асоссиз харажатларнинг олдини олиш, давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноконуний аралашувини қатъий чеклашга доир ҳуқуқий асослар янада мустақамланди. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик ва меҳнат эркинлиги муҳофазасига оид конституциявий меъёларлар амалда ўзининг тўла ифодасини топаётганидан яна бир далолатдир.

— **Адлия идоралари нафақат қонун ижодкорлиги жараёнида бевосита иштирок этади, балки уларнинг ижроси учун ҳам масъул. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимоясига оид қонунлар ижроси қандай таъминланмоқда?**

— Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорликни ҳуқуқий таъминлаш ва ри-

вожлантиришининг самарадорлигини ошириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, кенг жамоатчиликка унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш доимий эътиборда.

Соҳага оид қабул қилинган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан алоҳида назорат ўрнатилган. Назорат қилувчи органлар томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятида текширишлар ўтказилишининг қонунийлиги мунтазам ўрганиб борилмоқда. Адлия органларининг жорий йил биринчи яримда ўтказган ўрганишларида назорат қилувчи органлар томонидан қирқдан зиёд тадбиркор фаолиятида ноконуний текшириш ўтказилгани ва мингдан ортиқ ҳолатда текширишларни ўтказиш тартиби бузилгани аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қиритилган тақдирнома ва расмийлаштирилган маъмурий баённомаларга асосан 13 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий, 2 нафарига маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилди. Прокуратура идораларига юборилган тақлифларга асосан бир неча мансабдор шахс жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан адлия органларига қиритилган тақдирнома, огоҳнома ва кўрсатмаларга биноан 1000 нафарга яқин мансабдор

шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шу жумладан, 29 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Тадбиркорлар манфаатларини таъминлашни назарда тутиб судларга қиритилган даъво аризаларининг беш юздан ортиғи судлар томонидан қаноатлантирилиб, тадбиркорларга етказилган тўрт миллиард сўмлик зарар ундирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тўрт юздан ортиқ ноконуний қарор ҳамда бошқа ҳужжатлари аниқланди ва бекор қилиниши таъминланди.

— **Тадбиркорлик муҳофазасига оид яна қандай янги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда?**

— Таъкидлаш керакки, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатида олиш соҳасини тартибга солишда бир неча қонун ҳужжатларига таянлади. Маъмур ҳолат юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи шахслар, рўйхатга олинмаган субъектлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларини ўзлаштиришда айрим муаммоларни келтириб чиқариши табиий. Шунини ҳисобга олиб, Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор идоралар ҳамкорлигида "Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун асосида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир хиллаштирилиши учраётган муаммоларни бартараф этади.

"Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустақамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш ҳақида"ги каби қонун лойиҳалари ҳам тайёрланган. Бу қонунларнинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни янада кучайтиришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Конституцияси ва шу асосда қабул қилинаётган қонунлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришнинг мустақам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

ЎЗА МУХБИРИ
НОРГУЛ АБДУРАИМОВА
сўхбатлашди.

Тажриба ва амалиёт

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ҳимоя соҳасини тубдан мустақамлаш, уни янги поғонага кўтариш имкониятларини яратди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар

амалда ўз натижасини бермоқда

ХУСУСАН, адвокатнинг сўровига жавоб бермаган давлат ва нодавлат ташкилотларнинг мансабдор шахслари энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваригача миқдорда жарима билан жазоланиши адвокат илгаригидек терговчи ёки судьянинг рухсатномаси билан эмас, балки фақат ордер ва гувоҳнома орқали ҳимоя жойидаги шахс билан хоҳлаган вақтда учрашиб, кераклича муддат давомида сўхбатлашиш имконига эга бўлгани, суд процессида айбловчи билан ҳимоячининг тенглиги принципи янада мустақамланганлиги адвокатларнинг жамиятдаги мақеини юқори поғонага кўтарди.

Айни пайтда, бундай эътибор ва ишонч адвокатнинг зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Бу масъулият эса, адвокат иш жараёнида ўз ҳимояси остидаги шахсини қонунларга асосан ҳимоя қила олиш учун терговчи, прокурор билан баҳсга кириша оладиган юқори малакага ва маданиятга эга бўлишни тақозо этади.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази бошқа соҳа ҳодимлари қаторида адвокатлар учун ҳам худди ана шу вазифани бажаришда ёрдамга келмоқда. Яъни, адвокат ҳар уч йилда бир марта бу марказда малака ошириши соҳа ҳодимларининг билимини бойитишга хизмат қилмоқда.

Биз, яқинда навбатдаги гуруҳ билан маъмур малака ошириш курсини тугатган адвокатлар, амалда бунга иқдор бўлдик. Айтиш жоизки, икки ҳафта мобайнида бир неча ойда олиш мумкин бўлган билимларга эга бўлдик. Дарс ўтишга жалб қилинган профессор-ўқитувчилар, тажрибали амалиётчи мутахассисларнинг маъруза ва сўхбатлари фойдали ҳамда қизиқарлилиги билан тингловчиларни зериктирмади.

Шунингдек, тингловчиларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказидаги ўқувлар ҳам бой таассурот қолдирди.

Ўқув марказидаги машғулотлар, айниқса, кейинги йилларда қатор қонунларга қиритилган қўшимча ва ўзгартишлардан бохабар бўлиш, назарий билимларни бойитишда фойдали бўлгани билан қимматлидир.

Ўқув сўнггида тингловчиларга ўқув курсини тугатганлиги ҳақида сертификатлар топирилди.

ҲАБИБУЛЛА ОЛИМЖОНОВ,
АБРОХУЖА ТУРСУНХУҲАЕВ,
"Шайхонтоҳур адвокатлари"
адвокатлар ҳайъати адвокатлари

Табиат кушандалари

Умрида бир түп дарахт экмаган кимсалар

11 түп дарахтни таг-томири билан йўқотишди

ДУНЁДА шундай одамлар борки, ўз умри давомида бир түп дарахт экмайди. Аммо кимлардир эккан, ўстирган боғу рояларни пайқон қилиб, куллини кўкса соғурди. Бундай кимсаларни жамиятда табиат кушандалари, дейишди.



ПОЙТАХТНИНГ Юнусобод туманидаги 7-даҳасида жойлашган "DIANA TA'MIRLASH KOMUNALCHIL" ва "ZAMIN KOMUNAL SERVIS" УЖМШ ижрочи директори Қодиржон Усанов ана шундай кимсалар сирасидан чиқиб қолди. У "Уйларнинг ёнидаги дарахтлар шакл берамиз", деб болта кўтариб келган йигитларга дарахтларни кесишга рухсат берди.

Кўп ўтмай "азамат"лар дарахтларни арралаб, олиб кетишга тушишди. Шу пайт дарахтлар кесилганда уйда яшовчи Екатерина Аганджанова, Фарход Газиев, Нина Трухилова келиб, "Эй, ноинсофлар мева бериб, жазирамада соя ташлаб турган бу дарахтларни нега кесаясанлар", дея эътироз билдиришди. "Биз худуднинг ҳўжайини Қодиржон Усановдан рухсат олганмиз", дейишди.

Уша вақтда ҳўжайини топиб бўлмади. Юқорида номлари келтирилган фуқаролар зудлик билан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига қўнғироқ қилишди. Кўп ўтмай қўмитанинг етакчи мутахассиси Шерзод Мадияров воқеа жойига етиб келди.

Бироқ энди ҳаммаси кеч бўлганди. Болта кўтарган "азамат"лар ишини битириб, ярим тайёр махсулотларни машиналарига ортиб аллақондан воқеа жойидан кўён бўлишганди. Қўмита мутахассиси Шерзод Мадияровнинг ҳисоб-китобида кўра, дарахтлар йўқотилишдан қўрилган зарар 77 миллион 600 миң сўмдан ортиқ эканлиги аниқланди ва далолатнома тузилди.

Ноконуний хатти-ҳаракат жазосиз қолмади. Моддий зарар айбдорлар ҳисобидан қолпанди. Бироқ таг-томири билан йўқотилган меваги ва манзарали дарахтларни ўз жойига аввалгидек тиклаб бўлармикан? Буни наҳотки табиат кушандалари билмаса?..

ҚАМОЛДИН АҲМЕДОВ,
Юнусобод тумани ички ишлар
бошқармаси катта терговчиси

Адлия ёрдам берди

Ғайриқонуний йиғилган маблағ ўз эгасига қайтарилди

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 3 январида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали ва Қўштепа тумани "Сувоқова" ишлаб чиқариш давлат корхонаси ўртасида 21-сонли хизмат кўрсатиш шартномаси имзоланди. Аммо бу тўғрисида "Оби-Зам-Зам" нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказди.

АВВАЛО, шунинг таъкидлаш лозимки, "Оби-Зам-Зам" нодавлат нотижорат ташкилоти вилоят адлия бошқармаси томонидан 2007 йил 27 январда 195-сон билан рўйхатга олинган. Унинг мақсади Қўштепа туманининг Қувафий қишлоғида яшовчи аҳолини гўгинага муҳофаза қилишга тўла ичимлик суви билан таъминлашдан иборат. Ташкилот ўз фаолиятини ташкилотга аъзо бўлиб кириш ҳамда аъзолик бадаллари ҳисобидан амалга оширади. Лекин юқоридаги шартнома имзолангач, Қўштепа тумани почта алоқа тармоғи ҳодимлари 2013 йилнинг июнь-июль ойларида Қоражйиқда қишлоғида истикомат қилаётган ташкилот аъзоларидан ҳам ичимлик суви учун 850.000 сўм миқдоридан пул йиғиб олишган.

Хуллас, ана шу ноконуний хатти-ҳаракатдан хабар топган, "Оби-Зам-Зам" нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директори Х.Қодиров муаммони бартараф этишда амалий ёрдам сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида тилга олинган ҳолат ўз тасдиғини топди. Бинобарин, адлия бошқармаси аралашуви билан ташкилотнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Яъни, 2013 йил 12 августдаги 23-сонли тўлов топшириқномасига мувофиқ ғайриқонуний равишда йиғиб олинган 850.000 сўм маблағ "Оби-Зам-Зам" нодавлат нотижорат ташкилотига қайтарилди.

ХУСНИДДИН БОЙНАЗАРОВ,
Фарғона вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, қонунбузарликларнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг асосий вазифасидир. Улар фаолиятининг самараси фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш билан бевосита боғлиқ. Махсус тадқиқотлар ўтказиш билан амалга оширилаётган суд экспертизасидан фойдаланиш ҳолисона тергов ҳамда оид судловни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Суд экспертизаси

Адолат қарор топсин, деймиз

Бирок бу жараён жиддийлик ва масъулият талаб этади

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида 2000 йилнинг август ойида Марказий Осиё минтақасида биринчи бор молекуляр генетик идентификация лабораторияси очилди. Уша йилнинг сентябрь ойида республика миқдарида биринчи бор молекуляр идентификация экспертизаси ўтказилди. Унинг ёрдамида бир неча аёлларнинг ўлимига зомин бўлган қотилишнинг қилимиши фожия қилинди. Ушбу экспертиза тадқиқоти билан республика миқдарида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар амалиётларида генетик дактилоскопия услубларини татбиқ этила бошланди. Лаборатория ўз олдида суд генетик экспертизасининг объектлари бўлиши, одамга тегишли бўлган биологик изларнинг янги, замонавий, шахсини молекуляр генетик индивидуал белгилари орқали аниқловчи услубларни

ўзлаштиришни ва шахс идентификацияси ҳамда биологик қариндошлиқни аниқлашнинг мақсад қилиб қўйди. Шахс генетик идентификацияси ва биологик қариндошлиқни аниқлаш мақсади билан одам ДНКси суд биологик экспертизаси лабораториясида қилинади. Жиноят процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ солиштирма биологик намуналарни олиш қоидаларига амал қилган ҳолда олий тоифали ҳамшира ёки мутахассис томонидан биологик намуналар олиш жараёни амалга оширилади. Суд ваколатлаган шахс томонидан биологик намуналарнинг (қон, сўлак) олиниши ҳақида баённома тузилади. Шунингдек, жараён қатнашчиларининг фотосурати ҳам олинади. Олинган биологик намуналар алоҳида-алоҳида почта конвертларга солиниб муҳрланади ва экспертиза тадқиқоти

римлар асосида эксперт тадқиқотларини ўтказамиз. Биологик ота-оналиқни аниқлаш учун ота, она ва фарзанднинг биологик намуналарини текшириш зарур бўлади. Биологик намуналар сифатида қўл бармоғидан олинган қон намунаси ёки сўлак намунаси тақдим эти-

бошлангунга қадар +4С ҳароратда сақланади. Биологик оталиқни генетик аниқлаш тадқиқотлари мураккаб тадқиқот жараёни ҳисобланади. Уни олиб бериш учун одамга тегишли бўлган биологик материал — қон, сўлак намунаси, соч толасининг илдиз қисми ва ҳоказолар тадқиқот қилинади. Маълумки, организмнинг барча ҳужайраларида унинг ирсий ахборотини сақловчи биоорганик модда ДНК — дезоксирибонуклеин кислотаси мавжуд бўлади. У организм пайдо бўлган кундан бошлаб то унинг ўлимидан кейин ҳам суяк қолдиқларида сақланиши мумкин. Йиллар давомида у ўзгармайди. Фақатгина бир туҳмудан ривожланган эгизаклардан ташқари ер юзиде яшайдиган ҳар бир одамнинг ДНКси ҳар хил бўлади.

Маълумки, қўпгина ҳолатларда фуқаролик ишлари бўйича даъвогар томон аёл ҳисобланади. Баъзи сабабларга кўра, эркак киши фарзандини тан олмаган ҳолатларда ёки воғга етмаган фарзанди учун алимент тўламаган ҳолатларда аёллар биологик оталиқни аниқлаш учун айнаи суд генетик экспертизаси мутахассисларига мурожаат этишда ҳамда тадқиқот орқали биологик оталиқ фақтига аниқлик қиритилади.

ДИНОРА ТОШЕВА,
Адлия вазирлиги
ҳузуридаги
Х.Сулаймонова номидаги
Республика суд
экспертизаси маркази
одам ДНКси суд
биологик экспертизаси
лабораторияси эксперти

Анжуман Кафолатланган бепул умумий таълим

Адлия вазирлиги тизимидagi Тошкент юридик коллежидa ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида "Таълим олиш мажбуриятлари" мавзусида анжуман ташкил этилди.

АНЖУМАНДА қайд этилганидек, аввал умумтаълим мактабидa, кейинчалик эса касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда мажбурий равишда илм олиш давлат таълими сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бепул умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Шуниси эътиборга сазоворки, бундай ижтимоий-иқтисодий таълим олиш кафолатлари ривожланган давлатлар таърибасида ҳам кам учрайди.

Сўзга чиққанлар мажбурий 12 йиллик таълим тамойилининг ҳуқуқий асосларини ташкил этиш мақсадида зарур қонунийлик ва норматив-ҳуқуқий база шакллантирилганлигини аниқ мисоллар орқали тушунтириб бердилар. Тошкент юридик коллежидaги ёш ҳуқуқшунослари "Таълим тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, оналар болаларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгар эканликлари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда она-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганликлари учун жавобгарлик белгиланганлигини ўзларининг ҳуқуқий билимлари доирасида таҳлил этдилар.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Хабарингиз? борми? Ўзбек ошпазлари рекорд ўрнатишди

Кўпчилигимиз: фалон шаҳарда фалон километр узунидада сосискали пиширик тайёрланди ёки фалон тонналик оқсат пиширлиди ва бу "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритилди, сингари хабарларни кўп эшитганимиз. Энди эса бундай рекордди ўзбек ошпазлари ҳам ўрнатишди.



ГАП ШУНДАКИ, шу оғнинг бошларида Москва шаҳридаги "Козон" чойхонасида таниқли ўзбек ошпази, Ўзбекистон ошпазлари уюшмаси аъзоси Ҳасим Ғаниев бошчилигидаги мухир ошпазлар жамоаси томонидан ўзбек миллий таомларидан бири нозин тайёрланди. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, у роппароса 502 килолик тош босди. Шу боис ҳам "Интеррекорд" агентлиги бош директори Влад Копиллов бу воқеани ҳужжатлаштириб, "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритиш учун маълумотларни расмийлаштирди.

Биламизки, нозин — ўзбек миллий таомларидан бўлиб, байрам ва ҳайит дастурхонини усиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Дарвоқе, нозиннинг хамирини кесиш ҳашар йўли билан бажарилади. Яъни, روسийлик таниқли сиёсатчилар, тадбиркорлар, маданият ва спорт ходимлари ҳатто космонавтлар ёрдамга келишди.

Яна шуну таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Ошпазлари ассоциацияси вакиллари келгусида рекорд кўрсатишдаги ошни тайёрлаш ниятидalar.

(Ўз мухбиримиз)

МАМЛАКАТИМИЗДА олий таълим тизимининг таркибий қисми сифатида юридик таълимни тубдан ислоҳ қилиш, ёш ҳуқуқшуносларни ҳар томонлама билимли ва маънавий баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЧУНОНЧИ, ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Президентининг 2013 йил 28 июнда қабул қилган "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шубҳасиз, юридик таълим сифати ва самарадорлигини оширишда дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Қарорга мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тошкент давлат юридик институти этиб қайта ташкил этилди. Шунингдек, "корисруденция" мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий давлат олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланди. Масаланинг жиҳиди ва муҳим томони шундаки, Тошкент давлат юридик университети зиммасига суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида махсус билимларга эга бўлган юксак салоҳиятли юридик кадрларни тарбиялашдек ўта муҳим вазифа юктанган.

ТДЮнинг асосий вазифалари

ИСТИҚЛОЛ йилларида жамиятимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби суд ҳуқуқ тизимида ҳам кенг қўлмалли ислохотлар ўтказиб келинмоқда.

ХУСУСАН, 2000 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг моддий техника таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ташкил этилиши судларга бўлган эътиборнинг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Ҳозирда республикада жами 284 та умумий юрисдикция судлари мавжуд бўлиб, шундан 77 таси фуқаролик ва 207 таси жиноят судларини ташкил этади. Умумий юрисдикция судлари фаолият қилиб келаётган маъмурий бинолар сони жами 252 тани ташкил этиб, шундан 182 та бинода жиноят, 45 тасида фуқаролик ҳамда 25 та бинода жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар жойлашган.

ТАҲРИРИЯТГА республикада аҳолиси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, айниқса, адлия тизими ходимларидан турли соҳаларга оид қўллаб мақолалар келади. Бу қувонарли ҳол албатта. Зеро, фуқароларимиз фаоллиги ҳуқуқий фуқаролик жамияти шаклланиб, ривожланиб бораётганлигидан далолат. Қардош қорақалпоқ шоири Бердақ ҳар кимнинг дилида айтар сўзи бўлсин, деган эди. Бугунги кунда юртимизда кечаётган инсонпарварлик тамойилларига асосланган ислохотлар жараёни ва жамиятимиз тароққиётига дохилдорлик туйғуси ҳар бир ҳамоштирининг ҳам тили, ҳам дилидаги сўзи бўлиб қолганини таҳририятга келаятган хатлар оқимида ҳам билса бўлади. Бу мақолалар фуқароларимизни қизиқтирган саволларга жавоб бериш борабара уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз. Таҳририят имконият даражасида уларнинг қисқача мазмунини билан таништириб бормоқда.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси С.Турсуновнинг "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги ва "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳияти" номили мақоласида маъмур қонунлар модда-ма-молда батафсил ёритилган.

— Утган 22 йилнинг ҳар бири жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида ёрқин из қолдирди, — деб ёзади Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Санжар Урмонов "Мустақиллик — тароққиётимиз гарови" номили мақоласида.

Шунингдек, истиқлол берган улуг неъматлар эпикни Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Т.Очировнинг "Очиқлик ва ошқоралик", Сирдарё туманидаги 4-сон ДНИ нотариуси Комил Хушвақовнинг "Мустақиллик — олий неъмат", Шаҳрисабз туманидаги 2-сон ДНИ нотариуси Таникул Исматовнинг "Демократик тароққиётнинг янги босқичи", Бўстонлик тумани ФХДБ бўлими инспектори Арофат Рўзиевнинг "Миллий маънавиятимиз ёшлар таълим-тарбиясида бебаҳо бойлигимиз", Урганч шаҳар ДНИ нотариуси Гўлбаҳор Сабировнинг "Ҳуқуқий давлат қуришда ёшларнинг ўрни", Гулистон шаҳридаги 7-сон ДНИ нотариуси Мастура Эмомовнинг "Бола ҳуқуқлари ҳимояси келажагимиз кафолати"

ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди: — давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес

Жараён

Олий мақсад йўлидаги улкан қадам

Юридик таълим тизими такомиллаштирилмоқда

ҳуқуқи), халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи ва юридик таълимнинг бошқа устувор йўналишлари бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек, амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этилиши таъминлаш;

— мамлакатдаги ўрта махсус, касб-ҳунар, шунингдек, олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш;

— талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий

ҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этилиши таъминлаш;

— мамлакатдаги ўрта махсус, касб-ҳунар, шунингдек, олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш;

— талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий

да, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик бўлиmlаридa амалий иш таърибасига эга бўлган юқори малакали илмий, педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

— шартнома асосида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим, тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини ўқув, илмий-методик ишларни ташкил этиш ва ўтказиш учун жалб этиш.

Ҳозирда ТДЮУ тегишли вазирликлар билан келишган ҳолда бақалавр ва магистрларни тайёрлаш

лан бир қаторда жами 209 та суд биноси капитал ва жорий таъмирланди.

тон ва Когон туманлараро, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа, Арнасой туманлари, Когон шаҳар,

Суд департаменти

Қулайлик ва замонавийлик

иш самарадорлигини оширади

Утган йиллар давомида умумий юрисдикция судлари биноларини капитал ва жорий таъмирлаш, маъмурий бино ҳамда хизмат уйлари ҳарид қилиш ва янги бинолар қурилиши учун Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасидан жами 53,2 миллиард сўм маблағ ажратилди, натижада, судларнинг 62 таси бино билан таъминланди, шундан 25 та янги бино қурилган бўлса, 37 та бино ва 14 та хизмат уйи харид қилинди. Шу би-

Суд департаментида умумий юрисдикция судлари фаолият қилиб келаётган маъмурий биноларнинг фотосуратлар базаси ташкил қилинган бўлиб, ундан манзилли дастурлар ва харажатлар сметаси тузишда фойдаланилмоқда.

Истиқлолимизнинг 22 йиллиги арафасида судлар ва Суд департаменти органлари учун жами 8 та янги бино фойдаланишга топширилиб, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар, Гулис-

Когон тумани судлари, Суд департаментининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси, суд ижрочиларининг Когон шаҳар, Чуст, Чортоқ ҳамда Когон туманлари бўлиmlари янги бинодан баҳраманд бўлишди. Маъмур бунёдкорлик ишларига Суд департаменти томонидан жами 7 миллиард 524,3 миллион сўм маблағ харажат қилинганлигини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, келгусида умумий юрисдикция судлари ва Суд де-

дастурларини тўлиқ қайта ишлаб чиқди. Ўқув жараёнида таълим беришнинг модули тизими қўлланилган ҳолда умумэтироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талабаларнинг илмий салоҳиятига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда талабаларда таҳлил қилиш қобилиятини, юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш қўникмаларини ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари қўлланилмоқда. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик бўлиmlаридa амалий иш таърибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар дарс жараёниларига жалб этилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг юксак талаблари ҳамда замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 июлдаги "Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди. Маъмур ҳужжат Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилиш тартибини белгилаб берди. Ушбу норматив меъёр ҳам юридик таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилиши таъин.

Олим НАРЗУЛЛАЕВ,
ТДЮУ ўқитувчиси

Хавф

Заррин кунлар

зулматга

айланмасин

МАЪЛУМКИ, наркотик моддалар инсоният келажаги учун ўта хавфли бўлиб, кишилар саломатлиги, руҳияти ва оилавий хотир-жаълига салбий таъсир кўрсатади, бир сўз билан айтганда, улар ҳаётини зулматга бошлайди.



БАРЧА мамлакатлар наркотик моддалар истеъмол қилишнинг олдини олиш масаласига диққат-эътиборини қаратгани бежиз эмас. Бойси, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш мамлакатлар хавфсизлиги, барқарорлиги ва салбий таъсир кўрсатади. Жамиятнинг иқтисодий, маданий ва маънавий юксалишига путур етказиши.

Мамлакатимизда ҳам наркотикка қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада қабул қилинган қонун ва қарорлар муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассисларнинг фикрича, наркотик моддаларни истеъмол қилиш қўламли йилдан-йилга қўлаймоқда. Гийҳвандликнинг кенг тарқалаётганлиги, айниқса, болаларнинг наркотик моддалар истеъмолчисига айланиб қолаётганлиги барчамизни жиҳидий таъшишга солиши табиий. Маълумотларга кўра, дунёда наркотик моддалар истеъмол қилувчиларнинг 70 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Вояга етмаганлар орасида гийҳвандликка илк бора қадам қўйиш 11-17 ёш ўртасида кечади. Дунёда содир этилаётган жиноятларнинг 70 фоизи наркотик моддалар билан боғлиқдир.

"Оқ ажал" истеъмолчиси-ни тезда ўз қўлига айлантириб қўйди. Уни истеъмол қилаётган ўсиёр илоҳи борича ота-онасининг кўзига ташланмасликка интилади, улар билан суҳбатлашгани кескин қайтади. Уларда ўқишга, илм эгаллашга ва маънавий юксалишга бўлган интилиш тамомилан сусайиб, пулга бўлган аҳтиёжи кескин ортади. Бундай вазиятда нима қилмоқ керак, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Гийҳвандликнинг олдини олишда аҳолига ушбу иллатнинг салбий оқибатларини турли меъналар, тадбир, ўқув-самуғлотлари доирасида тушунтириш, маъмур йўналишдаги фильм ва рекламаларга алоҳида ургув бериб, тур собини қўлгайириш ва тарбиячилик бораидаги ҳамкорликни янада қучайтириш фойдалан ҳоли бўлмайди.

Шу маънода айни пайтда республикада бўлиб "Қамолот" ЁИХ ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган, октябрдан декабргача давом этадиган "Ёшлар — чекишга қарши" лойиҳасининг аҳамияти беқиёсдир. Ундан қўзланган мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласини янада юқори поғонага кўтаришдир.

Нодир ШАРОПОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Когон шаҳар
суди судьяси

Шарҳ

Хатлардаги ҳаёт

Таҳлил ва талқин ҳуқуқий тарғибот мезонидир



номли мақолаларида ҳам уфуриб турибди.

— Никоҳ шартномасини тузиш мажбурий эмас, лекин ақсарият ҳолларда турмушдан ажралган аёлларнинг болалари билан бошланасиз қолиши каби турли муаммоларнинг олдини олади, — дейди Охангарон тумани ФХДБ бўли-

дири Дилором Бойжонова "Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ — ирсий касаллиқлар учун" эканлиги, Оқолтин тумани ФХДБ бўлими муdiri Гулном Ёдгоровва эса мамлакатимизда "Аёл саломатлиги доимо эътиборда"лиги, Бобўв тумани ФХДБ бўлими муdiri Лола Муродова "Репродуктив саломат-

лик" бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида яна бир бор эслатиб ўтади.

Мирзабод тумани ФХДБ бўлими муdiri Дилбар Набиева "Кейинги пушаймон — ўзинга душман" мақоласида фуқароларимизни — "Мумай даромад илн-жида қулликча тушиб қолманг!", — дея оғоҳликка ундаса, Ангир шарҳидаги 2-сон ДНИ нотариуси Асқар Мансуров "Диний экстремизмнинг зарарли оқибатлари" ҳақида, Бўстонлик тумани ДНИ нотариуси Замзугул Дуйсенова

тумани ДНИ нотариуси Шахноза Ёқубованинг "Васият бўйича қолдирилган мол-мулкдан қилмал мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин"лиги, Янгийўл туманидаги 5-сон ДНИ нотариуси Сардор Комиловнинг "Эр ва хотиннинг умумий мол-мулк", Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуслари Бактиёр Раҳимов ва Муқаррам Зуфароваларнинг "Вояга етмаганларнинг муомала лаёқати" ҳақида ҳаётий мисоллар орқали тушунтириш берган мақолалари эътиборга сазовордир. Олмалиқ шаҳар ДНИ нотариуси Абдухалил Шарипов "Сув — башариёт томирида оқаётган тириклик" номили мақоласида ер юзидаги экологик вазият ва чўчүк сув масаласига эътибор қаратади.

Таҳририятимизга турли соҳа вакилларида қизиқарли маълумотларга тўла мақолалар келмоқда. Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси депутати Ф.Комиловнинг "Фермер ҳўжаликлари такомиллашмоқда", Давлат солиқ қўмитаси бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р.Насимовнинг "Интерактив хизмат турининг афзалликлари", тадқиқотчи Мирислом Бадаловнинг "Фарзандлик, деб яшайдиган халқ", журналист Э.Мирзаевнинг "Бозорбўй негра ранжиди?", журналист Мирзо Назарининг "Сувни лойқалатган ким?" ва Шеробод тумани тиббиёт коллежи директори Рустам Мардоннинг "Зилзилалар тарихини биласизми?" номили мақолалари шулар жумласидандир.

Кези келганда, айрим ҳолларда таҳририятимизга турли ўқув дарсликлари ва қонун ҳужжатларидан очикдан-очик қўйрилган, мажбуран зурма-зўракча ёзилган, тумтарок сўзлардан иборат мақолалар ҳам келаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Бу каби мақола муаллифларига айтишни истардиқчи, биз Сиздан фақат буюқ шир Бердақ айтганидек, дил тубидан отилиб чиққан самимий, сермазмун сўзлар билангина мақолалар қўпиб қолмасиз.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Эълонлар

Маълум комиссиянинг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/А-сонли буйруғига асосан "НУОУД-ИННОВАЦИОН" адвокатлик фирмаси асосан Мухомидов Абдурашад Раҳимовичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси таъкиди 10.07.2012 йилда берилган ТЭ-000369-сонли адвокат мақолини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 08.08.2012 йилда

Беритан 2305-сонли адвокатлик лицензиянинг амал қилиш ҳақида адвокатлик мақоли тўғрисида

Армизовга ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 22.08.2013 йилдаги №227-ш/А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "АИМО-ИННОВА" адвокатлик фирмасининг адвокати Топитовна Комиласида 06.06.2009 йилда берилган ТН №000471-сонли лицензиянинг амал қилиш ва 22.11.2012 йилда берилган 2431-сонли адвокатлик лицензиянинг амал қилиш ҳақида адвокатлик мақоли тўғрисида

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 23.06.2009 йилда берилган ТЭ №003277-сонли лицензиянинг амал қилиш ва 14.02.2012 йилда берилган 2142-сонли адвокатлик лицензиянинг амал қилиш ҳақида адвокатлик мақоли тўғрисида

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 23.06.2009 йилда берилган ТЭ №003277-сонли лицензиянинг амал қилиш ва 14.02.2012 йилда берилган 2142-сонли адвокатлик лицензиянинг амал қилиш ҳақида адвокатлик мақоли тўғрисида

Хуқуқий маслаҳатхона



— **ФАРЗАНДЛАРИМНИ** ҳеч кимдан кам қилмасдан ўстирдим, ўқитдим, яхши ҳолларда ишлашлари учун шароит яратдим. Ўзим эса соғлигимни йўқотиб, ҳозирги кунда 2-гурӯх ногирониман. Фарзандларимдан менга таъминот беришларини талаб қилишим мумкинми?

С.ОДИЛОВА,
Навоий шаҳри

— ОИЛА кодексининг 109-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида қарор қилишлари шарт, деб белгиланган.

Ушбу кодекснинг 110-моддасига асосан вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори фарзандларнинг оилавий ва моддий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Фарзандларингиз сизга ихтиёрий равишда моддий таъминот беришдан бош тортсалар, тегишли тартибда ўзингиз яшаётган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволга Навбахор тумани ФХД бўлими мудири Дилобар ПАРДАЕВА жавоб берди.

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинган кун

Ҳақиқий нотиқ

каерда ва қандай ҳолатда
нутқ сўзлашни яхши билади

ИНСОННИНГ нутқи — унинг дастлабки ташриф қозғидир, деган эътироф бежиз эмас. Инсоннинг кимлиги, унинг билими, дунёқароши, қизиқишлари, касбий моҳорати, маънавий олами, бевосита унинг нутқида намоён бўлади.

ХУҚУҚШУНОСЛИК соҳасидаги нутқда мазмундорлик, мантқиқийлик, аниқлик, тушунарлик, софлик, таъсирчанлик каби сифатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Қадимги Рим донишманди Цицерон ҳақиқий нотиқ нима дейиши билишдан ташқари, уни каерда айтиш ва қандай айтиш ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўрмоғи жоизлигини таъкидлаган эди. Бўлажак хуқуқшунослар учун бу ўқитлар иш стилининг устида турадиган ҳикматга айланиши мақсад мувофиқ бўлади. Бунинг учун эса уларнинг талабаларик даврлари айна мана шу кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришдаги энг муҳим босқич бўлиб қолиши керак.

Зеро, хуқуқшуносларнинг касбий фаолияти бевосита ўзбек тили билан низоҳатда зич, чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли, улар тилни давлат тилида эркин мулоқот қила олиш, давлат тилида иш юритиш, оғзаки ва ёзма нутқини давлат тилида мукамал ифода қилиш даражасида эгаллашлари зарур.

Бу даражага эришиш учун эса ҳозирда таълим жараёнларининг мазмуний қамровини, илмий-методик таъминотини, машғулотларнинг дидактик-технологик жиҳатларини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Одатда алоҳида касб эгаларининг нутқлари ҳақида гап борганида уларнинг учта гуруҳи ажратилади:

1) меъёрий даража: бунда нутқнинг адабий тил талабларига уйғунлиги

эътиборда тутилади;

2) мулоқот даражаси — бунда нутқнинг суҳбатдош томонидан аниқлиги, тушунарлиги ҳолатлари эътиборга олинади;

3) ахлоқий-маънавий даража — бу айтаётган фикр-мулоҳазаларнинг, қўланаётган сўз ва жумлаларнинг ўринли-ўринсизлиги, мазкур ҳолат билан мослигини назарда тутди.

Тил ўргатиш борасидаги таълимий мақсад хуқуқшуносларнинг тегишли мавзуга алоқадор ҳолда муайян ўқув кўникмаларини ҳосил қилишни ва бунда уларнинг фақат мулоқотга қира олишлари эмас, балки тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларга эга бўлишлари ҳам назарга олинади.

Бундаги асосий кўрсаткич уларнинг олган билимларини амалиётга татбиқ этиш олиш малакаси ташкил этади. Худди мана шу ҳолат юриспруденция йўналишларидаги ўзбек тили машғулотларининг мазмун қамровини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, олий таълимгача бўлган тизимдаги ўзбек тили иккинчи тил сифатида ўрганаётган битирувчилар учун ўртача 3000 та сўзни билиш талаб этилади. Бу кичик рақам эмас. Аммо бўлажак юристлар учун у низоҳатда оздир. Демак, таълим жараёнида масаланинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Албатта, бўлажак хуқуқшуносларнинг оғзаки нутқи қай даражада ривожланган бўлса, уларнинг ёзма нутқлари ҳам шу

даражада баркамол бўлиши шартдир.

Одатда, барча мутахассисларнинг нутқида тегишли талаблар қўйилади. Аммо бу талабларнинг хуқуқшуносларга нисбатан янада юксаклиги сир эмас. Нима учун? Чунки хуқуқшунос барча қорхоналарда, турли жамоаларда, судда, инсон хуқуқларининг нозик қирраларини ифодалашда аниқлик, ҳақиқатнинг асл моҳияти билан энг кўп дун келади. Бундай ҳолатларда сўз маъносининг барча қирраларидан фақат ва фақат мазкур ҳолатда бевосита дахлдори, таъсирчани, бошқалар эътиборига тезроқ ва тўғри етиб борадигани танланиши шарт. Кўпинча, хуқуқшуносларни ишга олишадиганида уларнинг нутқида, нутқий бойлиги, ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш тарзига алоҳида эътибор берилди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда бўлажак хуқуқшунослар учун бевосита аудиторияда ўрганиладиган машғулотлар ҳажминини кўпайтириш, ўзбек тили машғулотларини энг камиди кунора икки соатдан кам бўлмаган миқдорда ташкил этиш керак бўлади. Ўқув режасига рус гуруҳи талабалари учун ўзбек тилида "давлат тилида иш юритиш" фанини ўқитишни йўлга қўйиш назарда тутилади. Университет соатлари ҳисобидан бевосита давлат тилида профессионал лексикани ўрганиш учун алоҳида махсус курсни жорий этиш зарур. Фақат бўлажак хуқуқшуносларгагина эмас, балки барча олий ўқув юртиларида ҳам она тилини касбга йўналтирилган дастурлар асосида ўқитишни йўлга қўйиш лозим.

Шунингдек, талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқларининг мукамаллашувида жиддий ихобий таъсир кўрсатишини эътиборга олган ҳолда танлов фанлари сирасига "Ўзбек адабиёти намуналари" курсини қиритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гулчехра ХЎЖАНОВА,
ТДЮУ қошидаги академик
лицейи кафедра мудири,
филология фанлари номзоди

Аёл уйдан чиқиб кетди.
Оилага дарз кетди. Бир
оила бузилиб кетди.

Шунда... шунда қишлоқ-
дошларининг ҳаммаси са-
бабчи-ю айбдорни, улар-
нинг тўйига ким бош
бўлганини-ю, бу оиладаги
камчиликларни, Ботирнинг
нобақорлигини-ю, қизнинг
айбсизлигини муҳокама
қила бошлади. Муҳокама-
ларнинг кети узилмас,
айбдор ким жабрдийда
ким, буни аниқлаш айна
маҳалда барча учун муҳим
бир юмушга айланиб қол-
ганди. Қизик, бир мунча
муддат аввал ҳеч кимнинг
бундай муҳокама қилиш
йўли, бошқа бировнинг
ҳаётига аралашмасликка
аҳд қилганлар кўп эди-ку.
Агар шундай қизгин бах-
лар сал олдинроқ бўлган-
да, оиладаги жанжал-
ларга ўз вақтида чек қўйи-
либ, бир оила сақлаиб
қолинармиди...

Саволлар кўп, уларга
эса ҳаммамиз ўз маъна-
вий дунёқарошимиз ўлчо-
вида жавоб берамиз. Бу
воқеа ҳар биримизнинг
ўлчовларимизга ўз таъси-
рини ўтказса, ажабмас.
Ҳаёт курашлардан иборат-
лигини, унинг олдида бир
зўм эгиллиш, биргина нот-
ўғри қадам янчили бўли-
шини, ҳатто ёнимиздаги
оилага бефарқлигимиз
ҳам ўзимизга ёмонлик
бўлиб қайтишни тушу-
нурса, билдирса, не ажаб.

Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири



ридагиларга ҳам маълум
эди. Кўпчилик Лайлонинг
доимий равишда калтак-
ланишидан, бўлар-бўл-
масга ҳақоратланишидан
яхши хабардор эди. Ле-
кин бу ҳолатга аралаш-
шдан кўра, ўзини четга тор-
тишни маълум кўрганлар
кўпроқ бўлди. Кўни-қўшни,
деган гаплар бор... Авва-

Лайлонинг бундай ҳаёт
тарзига дош беролмай,
сабри тугаб борар, дар-
дини кимга айтишни бил-
мас, ҳаёти ўз қаринчи-
дан уламда давом эта-
рди. Охир-оқибат бу азоб-
ларга дош беришга кучим
қолмади, деган ҳаёлга кел-
ди. Кўзига ҳатто жажжи
қизалоғи ҳам кўринмади.

— **Нотариус ўз миҳозига хизмат кўрсатишни рад этиши мумкинми? Бундай ҳолатда у рад этишининг сабабларини асослаб бериши керакми?**

Аслия АЗИЗОВА,
Гулистон тумани

— "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасига кўра нотариус қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этиши мумкин:

— бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса;
— муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;

— юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг устасида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

— битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;
— нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим эти-
лаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисида-
ги мурожаати рад этилган шахсининг илтимосига биноан рад
этиш сабабини ёзма равишда баён этиши лозим.

**Саволга Гулистон тумани давлат нотариал идораси
нотариуси Шамсиддин ҚАРИМОВ жавоб берди.**

— **Нотариус томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар қачонгача сир сақланиши керак?**

Фарход ЗИЁЕВ,
Термиз шаҳри

— Нотариал идорада бажарилган нотариал ҳаракатлар сир сақланиши лозим. Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунинг-
дек, амалга оширилган нотариал ҳаракатлардан хизмат ва-
зифасини бажариши муносабати билан хабардор бўлиб қол-
ган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ош-
кор қилиш, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилин-
ганидан кейин ҳам тақчиланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов орган-
ларининг талабига биноан улар юриятдан ишлар муноса-
бати билан берилади. Жиноий фаолиятдан олинган даро-
мадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялашти-
ришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оши-
рилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар
(маълумотлар) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳол-
ларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим
этилади.

**Саволга Денов тумани 1-сон давлат нотариал
идораси нотариуси Аҳмад МУРОДОВ жавоб берди.**

Реклама ва эълонлар



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! "Асака" банк (ОАЖ)

қуйидаги мақсадларга:

- ⇒ Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
- ⇒ Оилавий тадбиркорлиқни ва хунармандчиликни ривожлантириш учун;
- ⇒ Касб-хунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун

КРЕДИТЛАР АЖРАТАДИ

Кредитларни "Асака" банк (ОАЖ) барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.



"Асака" банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59	Сирдарё вилоят филиали	8-367-225-28-61
Андроқ вилоят филиали	8-374-224-56-98	Тошкент вилоят филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-233-15-32	Фарғона вилоят филиали	8-373-224-72-14
Фарқод филиали	8-374-226-96-93	Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилоят филиали	8-365-223-11-15	Ошанқиз филиали	8-373-432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-00-34	Қўқон филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилоят филиали	8-375-221-15-38	Хоразм вилоят филиали	8-362-226-96-03
Навоий вилоят филиали	8-436-770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-82	Авторанспорт филиали	8-371-120-39-01
Наманган вилоят филиали	8-369-226-91-45	Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Самарқанд вилоят филиали	8-366-233-63-82	Юнусobod филиали	8-371-221-80-67
Афросиёб филиали	8-366-221-72-68	Сирғали филиали	8-371-257-44-10
Сўғдиёб вилоят филиали	8-376-770-82-20	Жиззах вилоят филиали	8-372-226-34-90

Кўшимча
маълумот учун
телефонлар:

(8-371)
120-82-23,
120-81-83,
120-81-54.

"Асака" банк
(ОАЖ) кўп каналли
ягона "ИШОНЧ
ТЕЛЕФОНИ"
рақами:
(8-371) 120-82-88.

"Асака" банк — обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси, 1-қисмининг 12-банди ҳамда Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 октябрдаги 283-ум-сонли буйруғига асосан Қўқон шаҳридаги "Чорсу-Фемида" адвокатлик фирмаси адвокат вазифасида ишлаган Ашуров Шаробиддин Расулжонич (лицензия FE №000109, 05.06.2009 йил, адвокатлик гувоҳномаси №43, 23.06.2009 й.) вафот этганини муносабати билан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макрми тугатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 4 октябрдаги 48-А-ум-сонли буйруғига асосан "ДУБА" адвокатлик фирмасининг адвокати Азизов Баҳодир Каримовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 26 майда берилган TS 000052 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши учун олддан ошмайдиган муддатда адвокатлик тузилмаси ташкил этганига ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 11.09.2013 йилдаги №243-ш/А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "АДВОКАТ МАДАД-НУР" адвокатлик фирмасининг адвокати Ачилова Нодира Маратовна адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга тайинланганилиги сабабли адвокатлик макрми амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасига биноан мазкур иш даврига тўхтатилади.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 октябрдаги 202-ум-сонли буйруғига асосан Хамидов Умид Убайдуллоевичга 2009 йил 21 майда берилган ВН 000102-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макрми тугатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 4 октябрдаги 47-А-ум-сонли буйруғига асосан Норов Шамуррад вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 3 июнда берилган TS 000193 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Адлия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг Нотариат, адвокатура ва ФХД органлари бошқармаси бosh маслаҳатчиси Заҳро Каримова онаси

ДИЛБАР аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси "Жиноят ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси Мухаррам Сатторовга уқаси ва "Иқтимоий фанлар кафедраси" ўқитувчиси Хожаикаров Сатторовга отаси

Йўлдош САТТОРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
саноати вазирлиги
0001-рўқам билан
рўқамли олинган.



Бош
муҳаррир:
Кучкор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ражабова Мавжуда
Абдуллаева
Кучкор Тўғасев
Турсунова Тўқли Мирзаевич
Очилов Аликсон Муҳаммадович
Султонов Аликмол
Тошбекович
Маматалиева Зайноддин Очилов

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тўқли
РАУПОВ

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терлиди ва сақланади. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа иходиди уйда чоп этилади.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-й.
Буюртма: 8-8275. Тиражи — 16853.
ЎЗА яқуни — 21.20

Топширилди — 21.20

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сойилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
Баҳоли келтирилган нархда

1 2 3 4 5